



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs уз

E-mail: Info@xs уз

2012 йил 14 сентябрь, № 181 (5601)

Жума

## «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жадал ривожланаётган мамлакатдир»

**Нуфузли халқаро анжуманда иштирок этиш мақсадида юртимизга ташриф буюрган хорижлик экспертлар ана шундай фикр билдиришмоқда.**



*Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция дастури турли тадбирларга бой бўлиб, у жаҳоннинг ўнлаб давлатларидан ташриф буюрган ишбилармон доира вакиллари, халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, иқтисодчи олим ва мутахассислар учун юртимиз эришган ютуқлар билан яқиндан танишиш имконини яратмоқда. Хусусан, кеча нуфузли анжуман қатнашчилари Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билан атрафлича танишдилар. Шунингдек, меҳмонлар азим шаҳарларимиздаги тарихий ва меъморий обидлар, истиқлол йилларида барпо этилган замонавий бино ҳамда иншоотлар, диққатга сазовор жойларни зиёрат қилдилар.*



лар талаб этиладиган тармоқларига қўл уриб, ички бозорни импорт ўрнини босувчи уй-рўзгор буюмлари, маиший техникалар, автомобиль эхтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, тўқимачилик ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда юқори маҳалали тиббий ва сервис хизматлари кўрсатиб келмоқда. Масалан, "White machine technology" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган LCD моделидаги суюқ кристалли телевизорлар, "Еко Elektron" шўба корхонасининг газ плиталари ва минипеҷлари, "Technology De Lavenir" масъулияти чекланган жамияти ва "Pallada Investment" корхонасининг импорт ўрнини босувчи қурилиш моллари хориж маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Кичик корxonалар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 563,6 миллион АҚШ долларлиги маҳсулот экспорт қилинган бунинг яққол тасдиғидир.

**Майкл МАКМАХОН, АҚШ Конгресси собиқ аъзоси, "Hergick" юридик компанияси маслаҳатчиси:**

— Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонда эришилаётган иқтисодий-ижтимоий ютуқлар алоҳида эътиборга лойиқ эканига амин бўлдим. Мутахассислигим — ҳуқуқшунос. Шу боис, энг аввало, эътиборимни жалб этган ҳолат юртингизда кичик бизнеснинг эркин фаолият юритиши учун муҳим таҳаммул ҳуқуқий асос яратилгани бўлди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларда хусусий сектор ҳуқуқлари қафолаб қўйилган. Соҳага энгиллик ва преференциялар мунтазам жорий қилиниб, унинг ҳуқуқий механизми тобора такомиллаштирилаётгани таҳсинга сазовор. Ойла билан бемалол рақобатлаша олади. Кичик корxonалар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 563,6 миллион АҚШ долларлиги маҳсулот экспорт қилинган бунинг яққол тасдиғидир.

нода, Тошкентда ўтказилаётган халқаро конференция мавзуси ўта долзарбдир. Бу Ўзбекистон иқтисодийига қизиқиши юқори бўлган америкалик инвесторлар учун қўлай имкониятдир. Ишончим қонимли, ушбу тадбир давлатларимиз ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларнинг янада ривожланишига кенг имконият яратади.

**Маълумотнома:** Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини юзга чиқариш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли юридик маслаҳатлар ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиб келмоқда. Низолатни ҳал қилиши зарур замонавий альтернатив шакллари ривожлантириш мақсадида палата тизимида ҳудудий ҳакамлик суди фаолият кўрсатаётган. Ҳакамлик суди жараёнини масофадан туриб ўтказиш ҳақидаги тақдимот халқаро конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

### Эътироф

Тошкент мустақиллик йилларида дунёга йирик sanoat марказларидан бири сифатида танилди. Қарийб 120 та давлат билан ташиқ иқтисодий алоқалар олиб борилаётгани шундай дейишимизга асосдир. Айни пайтда бу ерда 110 та йирик sanoat корхонасида ташқари, 38 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари самарали фаолият кўрсатаёпти. Ҳар йили қўлаб янги замонавий ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топ-

ширилиши эвазига маҳсулот тайёрлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот 11,9 фоизга ўсиб, унда кичик бизнеснинг улуши 57,1 фоизни ташкил қилди. Тайёрланган sanoat ва ҳалқ истеъмол молларининг эса 92 фоиз нодавлат сектор улушига тўғри келди.

Таъкидлаш керакки, хусусий сектор вакиллари, асосан, sanoatнинг мураккаб технология-



### «Келажак овози — 2012»

**Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Келажак овози" республика кўриктанловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.**

## Иқтидор ва маҳорат кўриги

Маълумки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловда қатнашиш истагидаги иқтидорли ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Илм-фан, санъат, спорт, ижод ва ихтирочилик борасида истеъдодини намоён этаётган юзлаб ёшлар ушбу танловда муносиб рағбатлантирилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар билимли, заковатли ва интилувчан ёшлар юрт фахри эканлигини алоҳида таъкидлашди. Қайд этилганидек, мазкур танлов иқтидорли ўғил-қизларни кашф қилиш, уларга ўз салоҳиятларини намоён этишга қўмаклашиш ва эзгу мақсадлар сари руҳлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Навоий вилоятида бу йил танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони қарийб 5 минг нафарни ташкил этди. Саралаш босқичларида 2 мингдан зиёд иқтидор соҳиблари архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализовдорлик тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика сингари ўн беш йўналиш бўйича ўзаро куч синашди. Пировардида улар орасидан ғолиб деб топилган 41 нафар йигит-қиз яқуний босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда).

## Юртимиз эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар хорижий нашрлар нигоҳида

**Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан чет эл оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлатни барпо этиш йўлида қўлга киритган муваффақиятларига баҳо берилмоқда.**

### Биз ва жаҳон

Жумладан, яқинда Озарбайжонда нашр этиладиган "Эхо" оммабоп газетаси саҳифасида "Ўзбекистон эртанги кунга қўлаб келадиган қарайди" сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда "Ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш борасида Ўзбекистон ўз моделига эга эканлиги, у беш муҳим қоидага — иқтисодийнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодийнинг сиёсатдан устунилигида ўз ифодасини тошган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош

ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби тамойилларга асослангани ва бу мутлақо тўғри танланган йўл эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бор исботлангани" алоҳида қайд этилади.

Сўнгра нашр ўз ўқувчилари эътиборини "Ўзбекистонда муҳим стратегик мақсадларга — ёқилғи-энергетика ҳамда ғалла мустақиллигига эришилгани"га қаратар экан, "Модернизациянинг кенг қўламли дастури изчил ҳаётга татиқ этилаётгани бой минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини замона талаблари даражасида қайта ишлаш учун энг замонавий технологияларни жалб қилиш асносида корxonаларни техникавий ва технологиядан қайта жиҳозлашга, иқтисодий ривожланишининг локомотивлари ҳисобланадиган энергетика, нефть-газ-кимё,

рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик sanoati, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш ва бошқа соҳаларни жадаллик билан ривожлантиришга имкон бераётганини" таъкидлади.

Саудия Арабистони Подшоҳлигида чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — "Ал-Жазира" газетаси эса халқимизнинг энг муҳим байрами муносабати билан Ўзбекистонга, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавзусига бағишланган мақолага эълон қилди.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Андижон

**Олтинқўл туманидаги "Krayt teks" қўшма корхонасида лойиҳа қиймати 330 миллион сўмлик техник ва технологик янгилини амалга оширилди.**

### Сифат янада яхшиланди

Пировардида бу ерда ишлаб чиқариш қуввати бир ярим баробарга ортиб, маҳсулот сифати тубдан яхшиланди. Шу билан бирга, 150 та қўшимча иш ўрни яратилди. Корхона жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмида 4 миллиард 125 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришди. Шундан 1 миллион 481 миң АҚШ долларлиги қисми ташқи бозорга сотилди.

Туманда жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 26,8 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**О. ШОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Наманган

Норин тумани маркази — Ҳаққулобод шаҳарчасида "Norin mekhanikal plant" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаши билан вилоятда автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган корxonалар сони яна биттага қўлайди.

## Автомобилларимиз учун бутловчи қисмлар

Уч миллиард сўмликдан зиёд инвестиция ҳисобига барпо этилган мазкур корхонада асақлик автомобилсозлар учун 69 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу ерда йилга 114 миң тўплам маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, Жанубий Кореядан келтирилган технология линиялар 47 нафар маҳаллий йигит-қиз томонидан бошқарилмоқда. Уларнинг 30 нафари касб-

хунар коллежлари битирувчиларидир.

Таъкидлаш керакки, вилоятда sanoatни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган маҳаллий дастурга мувофиқ, кейинги уч ярим йил давомида 147 та лойиҳа амалга оширилиб, 74,4 миллиард сўм ва 60 миллион АҚШ долларли тенг маблаг ўзлаштирилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Навоий

Қизилтепа туманилик тадбиркор Мухторбой Шарипов хориж технологияси асосида чинни идишлар тайёрлашни йўлга қўйганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 12 тага етди.

## Нафис чинчилар жилоси

— Фаолиятимизни кенгайтириб боришга ҳаракат қилаёطمиз, — дейди корхона раҳбари Мухтор Шарипов. — Яқинда бир гектарлик майдонда балиқчилик чинни идишлар тайёрланди. Ҳадемай, гишт заводини ҳам ишга тушираёмиз.

Туманда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 3149 та иш ўрни яратилди. Шундан 1157 таси кичик корхона ва микрофирма қисмига тўғри келади.

**А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Қашқадарё

Қарши шаҳрида "Radian silk" қўшма корхонаси иш бошлади. Ҳамкорлик меваси ҳисобланган ушбу лойиҳа қиймати 1,8 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 30 фоизи хорижий сармоядорлар томонидан молиялаштирилди.

## Ипакчиликдаги янги лойиҳа

400 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонанинг воҳида турдоши йўқ.

Таъкидлаш ўринлики, "Radian silk" вилоятда хо-

риж инвестицияси иштирокида ташкил этилган эллик еттинчи қўшма корхонадир.

**А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

## ЮК ТАШИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

**2012 йилнинг биринчи ярмида "Қамчиқ" довоми орқали юк ташиш ҳажми**

**1,3 баробарга оширилди.**

Бундай юқори натижага эришишда мамлакатимизда логистика хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ишлари доирасида "Ангрен" логистика маркази" ЁАЖнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича қўрилган изчил чора-тадбирлар муҳим омил бўлди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

# «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жадал ривожланаётган мамлакатдир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектлари учун "Ахборот киоски", "Call-center" фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, хар ҳафтанинг жума кўни on-line режимида "Тадбиркорлар кўни" ўтказилади. Унда ишбилармонлар соҳадаги янгилликлар билан таништирилиб, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 2012 йилнинг 6 ойида ташкил этилган ана шундай мулоқотларда 27 миңдан ортиқ тадбиркор қатнашиб, улар томонидан 7200 га яқин турли масалалар бўйича мувожадатлар қилинди. Шунинг 94 фоизи ижобий ҳал этилгани қувонарлидир.

## Пак Му ЖОНГ, "Korea Times" газетаси президенти-ношири:

— Жаҳоннинг кўпжа мамлакатларида бўлганман. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси мени Ўзбекистончилик маъниётини бериб бермади. Негадир ички бир ҳис саховатли замининг сари ундай-вереди. Юртингизда еттинчи бор келишиминг ўзиёқ бунинг тасдиғидир. Хар гал ташрифини давомиди Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларни зиёрат қилиб, завқланаман, руҳан тетиқлашаман, янги асарларимга илҳом оламан.

Мени хайратлангандиридан ҳижат шуки, мамлакатингизда келганимда доим янгиликлар, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Аслида, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётингизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан 1 миллион ўқувчисига эга газетамиз орқали юртошларимиз ҳам мухтазам хабардор бўлиб боришади. Бу янгиликлардан қорей ва инглиз тилларида чоп этиладиган нашримизнинг on-line ва мобил версиялари орқали чет эллик ўқувчилар ҳам воқифдорлар. Жорий йилда юртингиз ҳақидаги туркум мақолаларни Муствақилкай байрамингиз арафасида эълон қилдик.

Уларда қайд этилганидек, 2012 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,1 фоизга, sanoatда 7, кишлоқ ҳўжўлигида 7,1, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 7,7, курилиш ишлари 8,6, чакана савдо айланмаси 12,5, пуллик хизматлар 16,2 фоизга ўсган. Бу каби кўлга киритилган ютуқларда кичик бизнес ривожига кенг йўл очиб берилгани муҳим омили бўлмақда. Конференция якунлари, айниқса, жадал сурьатларда ривожланаётган энгил sanoatinigiz ҳақида биз ташриф буюрган "Uztex Tashkent" корхонаси мисолида таҳлилий мақолалар ёзмақчиман.

**Маълумотнома:** Пойтахтимиздаги "Uztex Tashkent" масъуляти чекланган жамияти "Uztex" компаниялари гуруҳидаги тараққий ва кардли дастгоҳларда йиғилган ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонадир. Бундан ташқари, тизимдаги "Uztex Chirchik" ҳамда "Eurotex Tashkent" корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, уларда юқори сифатли трикотаж мато ва кийим-кечаклар тайёрланади. Бундай маҳсулотларга ташқи бозорда талаб юқори. Уларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси таркибиде 270 дан зиёд корхоналар фаолият кўрсатапти. Улар томонидан истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифи асосида ишлаб чиқарилаётган 600 хил ранг, 20 дан кўпроқ номдаги кийим-кечаклар дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ўз харидорларига эга.

## Хирюши МАЦУЗАКИ, Цукуба университетининг глобал алоқалар департаменти халқаро бўлими бошлиғи (Япония):

— Бугун Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жадал ривожланаётган давлатлардан бири сифатида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки глобал молиявий-иқтисодий инқируз даврида ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳўжўлигининг ўсиши 8,5 фоиздан тўхтамани ривожланишининг "Ўзбек модели" нақадар пишиқ-пукта эканлигининг амалдаги исботи бўлди.

Бизнинг университетимиз Тош-

кент давлат шарқшунослик институти билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўнатган бўлиб, республикангизда таълим соҳасидаги мувафқиятлардан яхши хабардоримиз. Бугун Тошкент ахборот технологиялари касб-хўнар коллежида бўлганимизда, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда ёшларнинг чуқур таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларини пукта ўлаштирган битирувчиларнинг асарияти кичик корхоналарда меҳнат қилаётгани эътиборга лойик. "Neo Sun Light" корхонаси ишчилари билан суҳбат чоғида бунга ўзим амин бўлдим.

Тошкентнинг гўзал табиати, озода кўчалари, сўлим боғлари, замонавий иншоотлари ҳамда тарихий обидалари мени хайратга солди. Асрлар давомида сақланиб келаётган ноёб мажмуалар ўзбек халқининг ўтмиши буюк эканлигини тасдиқлайди. Бундай элнинг келажоғи ҳам мунаввар эканлиги, шўҳасиси...

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида кўна ва ҳамиша навқирон Бухоро ҳам ўзгача қиёфа касб этди. Кенг ва раван йўллр, сўлим хиёбанлар, боғроғлар қад ростлади, sanoat, кишлоқ ҳўжўлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақ топди, таълим, тиббиёт, спорт соҳаларида улкан ютуқларга эришилди.

Бухоро ўзининг ноёб тарихий ёдгўрликлари, муқаддас қадамжолари билан ҳам дунёда донг таратган. Муствақиллик шарофати билан бу ердаги маъжуд обидалар, осориатикалар обод қилиниб, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун Абдуллоҳиқ Ёғҳудовний, Баҳауддин Нақшбанд, Мирн Кулол, Хўжа Ориф Моҳитобон каби улуг айтиёлар манғу кўним топган гўшалар, Пойи Калон, Нодир девонбеги, Арқ қалъаси каби мажмуалар кўркам манзилларга айлантирилган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қад ростлаган "Кўна ва боқий Бухоро" монументи, Бухоро вилояти муסיқали драма театрини ўз ичига олган "Бухоро маданий маркази" эса гўзаллиги, маҳобати, бетакрор меъморий ечими билан бу ерга ташриф буюрган ҳар бир кишини хайратга солади. Хусусан, мажмуа "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оши-

та таассурот қолдирди. Айниқса, монумент марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтқазётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг хайкаллари эса эттирилгани киши эътиборини ўзига тортади. Жуда чуқур фалсафий маъно-мазмун сингдирилган ушбу обида мохиятан одамларни хайрли ишларга чорлаши билан аҳамиятлидир. Яъни унда ифодаланишича, ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари манғу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажоғини, эл-юртининг эртасини ўйламоғи даркор.

Монументда шу юртда туғилиб, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар исм-шарифлари зарҳал харфлар билан битилгани ҳам диққатга сазовордир.

Албатта, ўз тарихини қадрлаган, уни араб-авайлаб келётган халқнинг эзгу орзу-ниятлари ушаллиши муқаррар. Юртингиздаги, хусусан, Бухородаги қадимий ёдгўрликлар, аждодларингизнинг бой мероси кўз қорачиқидек асарлаётгани мисолида бу борадаги ишларга яна бир қарра қойил қолдим.

**Маълумотнома.** 2012 йилнинг биринчи ярмида Бухоро вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳўжўи 8,2 фоизга ошди. Кишлоқ ҳўжўлиқ маҳсулотлари етиштириш 7,1, курилиш ишлари 7,7, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 21,2 фоизга ўсди. Жорий йил охирига қадар қиймати 15,2 миллион АҚШ долларига тенг 52 та лойихани амалга ошириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳияти ҳам юксалиб бораётди. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки ярмида экспорт ҳўжўи 137,5 фоизга ташкил қилди. Бунда "DAEWOO textile Bukhara", "Текстиль Спектрум Колорс", "Арттекс" сингара ўнлаб корхоналарнинг муносиб улуси бор.

Хозир қай бир соҳани олиб қараманг, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта бўлаётганини кўриш мумкин. Зеро, бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухорода ҳам тадбиркорлик равнақига алоҳида эътибор қаратилаётди. Агар бундан ўн йил муқаддам вилоятда 15 минг 848 кичик бизнес корхонаси фаолият юритган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони 27 минг



77 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

## Ахим КОДТЕРМАНН, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

— Мамлакатингизда бир қарашдаёқ инфратузилмани ривожлантиришга жуда катта эътибор берилаётганини сезиш мумкин. Ёш, муствақил давлатнинг киска вақт ичиде шу қадар кенг қўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширишга улғургани таҳсинага сазовордир. Шўҳасиз, бунда Президент Ислам Каримовнинг пукта сиёсати, чуқур ўйланган иқтисодий ислохотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда оилавий қадриятларни эъзозлашга алоҳида эътибор билан ёнаштирилгани менда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, "Соғва" оилавий корхонасидаги зардўз, миниатюрачи расоом ота-ўғилларнинг фаолияти билан танишиб, уларнинг маҳоратига қойил қолдим. Хунармандларнинг кўпжа хоржий тилларда таржимонсиз, эмин-эркин сўзлаша олишлари эса хавасимни келтирди. Бу таълим-тарбиянинг изчил йўлга қўйилгани билан боғлиқ, албатта.

**Маълумотнома.** Умун давр мобайнида вилоятда умумий узунлиги 111,8 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди. Курилиш материалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 14 та янги корхона ишга тўширилди. Темир-бетон ишлаб чиқарувчи тўртта корхона модернизация қилинди. Бу

## Майкл ТОМАС, "Pathfinder Trade&Invest" компанияси бош ижрочи директори (Буюк Британия):

— Хар қайси соҳадаги ислохотлар самарадорлиғи, аввало, унинг ҳуқуқий асосларига боғлиқ. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан яхши хабардорман. Ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этиб борилаётгани боис ёшлар чуқур билим эгаллашмоқда.

Мамлакатингизда ўрта махсус, касб-хўнар ва олий таълимнинг замонавий инфратузилмаси ҳудудларнинг ўзига ҳосилдиган келиб чиқиб барпо этилгани киши диққатини тортади. Уларда ихтисослашув ҳамда махсус фан ва соҳаларга йўналтиришга кучли эътибор қаратилган. Мазкур тамоийиллар эса юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий бандликни муствақиллашга устувор вазифалар бажарилишида айни муддао бўлмақда. Шунингдек, 9-синф битирувчиларни касб-хўнар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборлидир.

Бухоро санъат коллежи фаолияти билан танишиб, таълим тизимининг ёрқин самараларига яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Ўқувчилар ёғоч ўймакорлиғи, ганчкорлик, зардўзлик, рангтаъсир ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича назарий жиҳатдан билим олиб, уни амалий машғулотлар орқали муствақиллаб бормоқдалар. Таълим даргоҳида бунинг учун барча шарт-шароит яратилган.

Коллеж ўқувчилари томонидан маҳорат ила ижро этилган ўзбек ҳамда жаҳон муסיқаси намуналарини тинглаб, роҳатландик. Шунингдек, таъкидлашни истардимки, юртингизда мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшадиган баркамол авлод камолга етмоқда. Бу билан хар қанча фахрлансангиз, гурурансангиз арзийди.

**Маълумотнома.** Бухоро санъат коллежида 14 йўналиш бўйича 6 кафедра фаолият юритмоқда. Бу ерда билим олаётган ва ижод сирларини эгаллаётган ўқувчилар орасида турли кўрик-танловларнинг голиб ва совриндорлари кўп. Меҳмонлар ана шундай истеъдодли ёшлар яратган буюмлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Қайд этиш жоизки, жорий йилда вилоятда касб-хўнар коллежларини 26 минг нафардан зиёд ўқувчи битарди. Улар "коллеж — корхона" тизими бўйича 1237 та корхона ва ташкилотга бириктирилган эди. 25 минг 636 нафар битирувчи билан уч томонлама шартномалар имзолашиб, уларнинг бандлиги таъминланди. Ана шу ёшлар орасида тадбиркорлик соҳасига қадам қўйган иқтидорларнинг ҳам борлиғи эътиборга лойик.

## Саид РАҲМОНОВ, Саиджон МАХСУМОВ, Шавкат ОРТИКОВ, Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

гайтириш муҳим ўрин тутишини қайд этади. Мақолада савдо-иқтисодий, сармовий алоқаларни, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни фоллаштиришдан Саудия томини манфаатдор эканлиғи ҳам алоҳида таъкидланади.

Юқоридагилардан ташқари, Покистон Ислам Республикасида чоп этиладиган "Pakistan Observer", "Ittehad", "Diplomatic Insight" ва "New Flyer" сингари матбаа нашрларида ҳам республикамизда Муствақиллик куни муносибати билан ўтказилган байрам тантаналари, мамлакатимизнинг муствақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган улкан мувафқиятлари ҳақида атрофлича маълумот берадиган хабар ва мақолалар эълон қилинди.

«Жаҳон» АА.

## ■ Анжуман

**Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда Олий Мажлис ҳузуридеги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлиғида «Атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлиғини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўналишидаги муҳим масалаларни ҳал этишда ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш»га йўналтирилган навбатдаги грант танловининг аҳамиятига бағишланган анжуман ўтказилди.**

# Экологик мусаффолик ва соғлом турмуш тарзи

## янги грант танловининг мохиятини ташкил этади

Унда қуйи палата депутатлари, Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муствақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Экофорум, шу йўналишда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўпжа чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтларини ролли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга таъбиқ этилаётди. Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг мохиятига кенг татбиқ этиш, экотуризм ва реабилитацион-соғломлаштириш соҳалари ҳуқуқий асосларини янада тақвимлаштиришга кўмаклашиш шулар жумласидандир.

Игиллишда грант танловиде нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг иштирок этиш тартиби ва лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда бошқа масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жаъоб олдилар.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

# Иқтидор ва маҳорат кўриғи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги кунда вилоятимизда иссиқхоналар сони анча ортган, — дейди ёш тадиқчи, танловнинг раціонализаторлик тақлифлар, техник лойиҳа ва ишланмалар йўналиши бўйича вилоят босқичи голиби Азизжон Абдужалилов. — Улардаги қулай шарт-шароитни таъминлаш учун иссиқликни назорат қилишни автоматлаштирувчи мослама яратдим. Ушбу усуна иссиқхоналар учун зарур хароратни ўзи танглаб, иссиқликни бошқариб туради. Харакатларим ижобий баҳолангани ўзимга бўлган ишончимни янада оширди.

Тадбир доирасида вилоятдаги иккита олий ўқув юртида ташкил этилган «Келажак ovozi» ахборот хоналари ва Wi-Fi интернет тармоғининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мазкур ахборот хоналари келажоғимиз эгаларини ўз атрофига бирлаштирадиган яна бир маскан бўлиб, уларда «Фонд Форуми», «Келажак ovozi» ёшлар ташаббуслари маркази, «Меҳр нури» жамғармасининг ёшлар учун мўлжалланган лойиҳа ва дастурлари, турли стипендия ҳамда грантлари ҳақида батафсил маълумот олиш имкони яратилди. Йигит-қизлар бу ерда ижтимоий, тиббий-психологик, маънавий ҳамда тадбиркорлик йўналишларида ўқув-семинар, тренинлар ва бошқа тадбирлар уюштиришлари мумкин. Миллий маънавиятимизга ёт гоғларни тарғиб қилувчи электрон ахборот манбаларидан ҳимояланган Wi-Fi интернет тармоғи эса ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларида билим ва дунёқарашларини кенгайтиришларига ҳизмат қилади.

Мухташам Ёшлар маркази биносиде шу кунни бир гуруҳ истеъдодли ёшларнинг таъсирий санъат, архитектура ва дизайн йўналишларидаги ижод намуналаридан ташкил топган кўргазма ҳам намоиш этилди.

**Аззамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ, Сарвар ЎРМОНОВ ва Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролли ва аҳамияти мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

## Хан Чонг КВАН, Корея кредитлари кафолатлаш фонди ижрочи директори (Жанубий Корея):

— Дарҳақиқат, «Кўна ва боқий Бухоро» монументининг ўзига хос тарзда бунёд этилгани менда кат-

603 тага етди. Соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуси 65,7 фоизни ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини иш ўринлари яратиш дастурининг ижросини таъминлаш ҳам кўл келаяпти. Хусусан, вилоятда жорий йилнинг дастлабки ярмида салкам қирқ минг иш ўрни барпо этилди. Шунинг 88,8 фоизи кишлоқ жойлар ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда, иш билан банд аҳолининг

кеса тураржой курилиши кўламини кенгайтириш имконини берапти. «Соғва» оилавий хунармандлар корхонасига келсак, у қадимий шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Тажрибали зардўз Баҳушлула Жумаев раҳбарлик қилаётган бу устахонада ўнлаб турдаги зардўзлик буюмлари тайёрланапти. «Соғва» тамғаси тўширилган маҳсулотлар дунёнинг ўттиздан зиёд мамлақати музейлари, шахсий кўргазмаларидан ўрин олган.

# Юртимиз эришаётган ютуқ ва мувафқиятлар хоржий нашрлар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Саудия Арабистони — Ўзбекистон алоқалари икки давлатнинг ўзаро манфаатларига асослангандир» сарлавҳаси остидаги ушбу мақолада «Бундан 21 йил муқаддам ўз муствақиллигини эълон қилгани ҳолда, суверен давлат сифатида ўзининг янги тарихий босқичига қадам қўйган Ўзбекистон бугунги кунда БМТ ва бошқа кўпгина халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси» эканлиғи ёзилади. Нашр эътироф этганидек, «Муствақиллик иқтисодиётни янгилаш ва унинг ўсиш сурь-

атларини таъминлаш, мухтасар айтганда, бутун мамлакатни модернизациялаш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш имконини берди».

«Ал-Жазира» газетаси жаҳонда мўқобили бўлмаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани, шунингдек, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашга мамлакат томонидан эътибор қаратилаётгани аҳамиятига мўлик эканлигини, булар эса ўзининг катта самараларини кен-

